2013 йил 8 апрель, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 68 (12.379)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ДАРСДАН СЎНГ ТЎГАРАККА

Пойтахтимиздаги Чилонзор матбаа касб-ҳунар коллежида 500 нафардан зиёд ўқувчи матбаа ишлаб чиқариш техник-технологи, бухгалтерия ва кенг ассортиментдаги кийимлар модельер-конструктори йўналишларида таҳсил олмоқда. Бу ерда ўқувчи-ёшларнинг ўзлари танлаган соҳа бўйича малакали мутахассис бўлиб етишиши учун барча шароит яратилган. Етарли ўқув ва амалиёт жиҳозлари билан таъминланган шинам хоналар, соҳага оид ўқув қўлланмаларига бой ахборот-ресурс маркази ўқувчилар ихтиёрида.

Коллежда ўқувчиларнинг дарс ҳамда амалий машғулотлардан бўш вақтини самарали ўтказиши, хорижий тилларни пухта ўзлаштириши учун мазкур йўналишларда турли тўгараклар ташкил этилган.

**СУРАТДА: коллеж ўқувчилари Дилноза Шукуржонова, Нигора Рустамова ва Юлдуз Ҳамидова**

**Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат**

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, ахборот-маслаҳат марказлари ва бизнесга кўмаклашиш марказлари фаолияти йўналишларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

**Тадбиркорлик**

## ТАДБИРКОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлаш, хизматлар кўрсатиш, истеъмол бозорини харидоргир озиқ-овқат ва хўжалик товарлари билан тўлдиришда муҳим ўрин тутади. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ушбу секторини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада, ўтган йили мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида кичик бизнес улуши 54,6 фоизга етди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг юридик экспертиза ва тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Улуғмурод Эрназаровнинг айтишича, палата кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган масалаларни муваффақиятли ҳал этиб келмоқда. Хусусан, 2012 йилда палата 116 меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этди, ўз сафига қарийб 1,6 минг тадбиркорлик субъектларини жалб қилди. Етмишга яқин хорижий делегациялар ва бизнес доиралар вакиллари билан икки томонлама музокаралар ташкил этилди. Бунинг натижасида 20 қўшма ва 29 хорижий корхона фаолияти йўлга қўйилди. Палата иштирокида турли 96 кўргазма ва ярмаркалар уюштирилди, уларда мамлакатимиз ва хорижий давлатлардан 6 мингга яқин компаниялар қатнашди. Шунингдек, 640 дан зиёд ўзбек тадбиркорлари хорижда ўтказилган ана шундай тадбирларда иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

Матбуот анжуманида Савдо-саноат палатасининг туман (шаҳар) бўлинмалари ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслар билан фаол иш олиб бораётгани таъкидланди. Уларга ахборот, юридик ва суғурта хизматлари кўрсатилди, таъсис ҳужжатлари ва бизнес-режани тайёрлаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича маслаҳатлар берилди.

**М.МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

**9 апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун**

## ХАЛҚИМИЗ БУЮК ҚУДРАТИНИНГ КЎЗГУСИ

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тарихимизни пухта ўрганиш, буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар самарасида Амир Темур шахси, жаҳон тарихидаги ўрни, халқимиз, Ватанимиз олдидаги хизматлари қадр топди.***



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи халқаро миқёсда кенг нишонланди, ЮНЕСКО ҳамкорлигида халқаро конференциялар ва кўргазмалар ўтказилди. «Темур тузуклари» асари миллий давлатчилик тарихимизнинг ноёб манбаси сифатида қайта тикланиб, бир неча бор нашр қилинди. Соҳибқироннинг 675 йиллик таваллуд тўйи арафасида Юртбошимиз сўзбошиси билан бу китоб мукаммал ҳолда янгидан чоп этилди.

Бугун Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида бобокалонимизнинг улуғвор ҳайкаллари савлат тўкиб турибди. Амир Темур номи билан аталувчи кўчалар, хиёбонлар ва бошқа географик объектлар юртдошларимизнинг ардоқли масканларига айланган.

Темурийлар тарихи давлат музейи ўзининг ранг-баранг экспонатлари, ноёб осори-атиқалари билан нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик сайёҳлар эътиборини ҳам ўзига жалб этиб келмоқда. Бу ерда темурийлар даврига оид уч мингга яқин нодир ашё сақланмоқда.

Музей фондининг асосий қисмини юртимизнинг XIV-XVI асрлар тарихини акс эттирувчи Амир Темур ва темурийлар даврига оид қўлёзма асарлар, турли давлатлар ҳукмдорлари билан олиб борилган ёзишмалар, нодир китоблар, тангалар, қурол-аслаҳалар, уй-рўзғор буюмлари, миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати намуналари ташкил этади.

Ўтган даврда музейда «Амир Темур ва темурийлар даврига оид китоблар», «Хориждаги меросимиз», «Амир Темур – Клавихо – Самарқанд», «Шоҳруҳия қалъа шаҳри – темурийлар даврининг ноёб ёдгорлиги», «Амир Темур ва темурийлар даври тарихи олимлар ва ёзувчилар назарида», «Нодир қўлёзмалар хазинасидан», «Ўзбекистонда ёзув маданияти тарихи», «Самарқанд дурдоналари» каби кўплаб кўргазмалар ташкил этилди.

Темурийлар даврига оид асосий экспозициялар музейнинг иккинчи ва учинчи қаватидан жой олган. Бу ердаги ўзбек миниатюрачи рассомлари яратган «Буюк Соҳибқирон – буюк бунёдкор» композицияси «Туғилиш», «Юксалиш», «Фахрланиш» деб номланган уч бўлимдан иборат. Асарда мовий ранг кўп учрайди. Бу ранг Амир Темур байроғининг рамзи бўлган. У ҳамиша ҳаётни севишга, тирикликни англашга, бунёдкорликка ундаган.

Музейга турли хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, машҳур инсонлар ташриф буюриб, «Фахрий меҳмонлар китоби»га ўз таассуротлари ва самимий дил сўзларини ёзиб қолдирган.

Музейда турли илмий анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда ёшлар фаол иштирок этаётгани қувонарлидир. Мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, талабалар учун «Амир Темур ва темурийлар даври меъморий ёдгорликлари», «Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати», «Амир Темур даврида тиббиёт», «Мирзо Улуғбек даврида Мовароуннаҳр», «Темур тузуклари», «Темурий маликалар» мавзуларидаги экскурсиялар ташкил этилмоқда. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитилаётган «Ўзбекистон тарихи», «Маънавият асослари», «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» фанларининг Амир Темур ва темурийлар даврига оид мавзулари музейда ўтказилмоқда.

– Кейинги йилларда музейимиз кўплаб ноёб экспонатлар билан бойиди, – дейди ЎзА мухбирига Темурийлар тарихи давлат музейи директорининг ўринбосари Сурайё Ўлжабоева. – Жумладан, Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидан, Сирдарё соҳилидаги қадимий Шоҳруҳия қалъаси вайроналаридан кўплаб кулолчилик, мисгарлик, шишасозлик ашёлари топилди. Уларнинг орасида пўлат совут ва дубулға бўлаклари темурийлар даври ҳарбий санъатини ўрганишда муҳим ўрин тутади. Хусусан, дубулға бўлакларининг таркибида кўплаб камёб металлар мавжудлиги аниқланди.

Шоҳруҳия ёдгорлигидан олинган маълумотлар Амир Темур ва темурийлар даврининг тўлиқ ўрганилмаган қирраларини очишга хизмат қилади. Чунки ушбу топилмалар Амир Темур давлатининг иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти, ушбу қалъа-шаҳарни барпо этишда усталар қўллаган бунёдкорлик услубларининг афзалликлари тўғрисида янги маълумотлар беради. Бундан ташқари, дунёнинг энг йирик музейларида сақланаётган темурийлар даврига оид йигирмадан ортиқ экспонатнинг нусхалари тайёрланди.

Темурийлар тарихи давлат музейи халқимиз бунёдкорлик қудратининг муҳим кўзгуси сифатида абадий яшайди. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади. Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Фарғона Давлат университетида Амир Темур таваллудининг 677 йиллигига бағишланган «Амир Темур – адолат ва қудрат тимсоли» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда Амир Темурнинг миллий давлатчилик, бунёдкорлик, маънавият борасидаги ишлари хусусида маърузалар тингланди.**

**● Тошкент вилоятида «Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамияти билан Хитойнинг «China CAMC engineering CO.LTD» компанияси ҳамкорлигида қуруқ усулда цемент клинкери ишлаб чиқарадиган янги линия ишга туширилди.**

**● Наманган вилоятидаги «Norin mechanikal plant» масъулияти чекланган жамиятида велосипедлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Меҳнат ресурслари юқори бўлган туманда аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида лойиҳанинг навбатдаги босқичи ҳам муваффақиятли амалга оширилди. Натижада корхонада беш турдаги катталар ва болалар велосипедларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 70 нафардан зиёд ёшлар иш билан таъминланди.**

**● Қўқон шаҳрида замонавий Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди. Ушбу марказ очилишида ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ўғил-қизларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай камол топиши йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.**

**● Намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жой массивлари, сервис ва хизмат кўрсатиш объектлари туфайли қишлоқларимиз тобора кўркамлашиб бормоқда. Ангор туманида ўтган йилларда барча шароитларга эга 135 якка тартибдаги замонавий уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг 90 таси Янгиобод маҳалласида бунёд этилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Нигериянинг Абужа ва Локажа шаҳарлари оралиғида ҳаракатланаётган автобус ҳайдовчисининг эҳтиётсизлиги оқибатида қатновнинг қарама-қарши томонига ўтиб кетган ва бошқа автобус билан тўқнашиб, 18 йўловчининг ҳалок бўлишига олиб келган.**

**● Швейцариялик бир гуруҳ мутахассислар нафас олиш орқали кишиларни ажратиб олиш имкониятини тақдим этувчи қурилмани яратишга муваффақ бўлди. Уларнинг таъкидлашича, биз чиқараётган нафас организмда кечаётган кимёвий жараёнларни ўзида акс эттирувчи бетакрор «из»га эга.**

**● Бразилия соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан жорий йилнинг дастлабки уч ойида ўткир вирусли хасталикка чалинган 635 минг кишидан 1,3 минг нафарининг аҳволи оғир экани ҳамда 108 беморнинг ҳаётдан кўз юмгани ҳақида хабарлар тарқатилган.**

**● Британия суди томонидан янги уй олиш мақсадида ўз уйини ёқиб юбориб, 6 фарзандининг ҳаётига зомин бўлган Мик Филфотт умрбод қамоқ жазосига маҳкум қилинган.**

**● Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳри яқинидаги Тхане шаҳарчасида қурилиши битмаган 7 қаватли бинонинг қулаб тушиши оқибатида 27 нафарга яқин киши ҳалок бўлган, бир неча ўн киши эса жароҳат олган.**

**● Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларда сув тошқинлари юзага келтирган ер кўчкилари оқибатида электр ва алоқа тизимида узилишлар қайд этилган, 54 киши ҳалок бўлиб мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинган.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **ЭРТАГА** Республика кардиология марказида Амир Темур таваллудига бағишлаб тадбир ташкил этилмоқда.

✓ **«BANKEXPO – 2013»** банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари олтинчи анъанавий миллий кўргазмаси олдидан Республика банклар ассоциациясида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** «Ўзбекистон» меҳмонхонасида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасидаги тўртинчи жаҳон чемпионати бошланиши олдидан матбуот анжумани ташкил этилди.

Қарор ва ижро

# МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

***Айни пайтда мамлакатимиздаги истаган дўкондан хориждан олиб келинган ёки ўзимизда ишлаб чиқарилган антисептика воситаларини харид қилиш мумкин.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлда қабул қилинган «Маҳаллий дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ мамлакатимизда дори-дармонлар, тиббиёт буюмлари, жумладан, дезинфекцияловчи воситалар ишлаб чиқарувчилар қўллаб-қувватланмоқда. Бунинг натижасида бугун Ўзбекистонда арзон нархларда юқори сифатли ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Қулай ва чиройли қадоқланган суюқликлар, дорилар, пуркагичлар билан жиҳозланган турли геллар, спирт асосида тайёрланган концентратлар, салфетка ёки бактерияларга қарши совунлардан қай бирини танлаш харидорларнинг дидига боғлиқ. «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни таркибига кирувчи бўлинмалардан бири – «Agro bio kimyo» масъулияти чекланган жамияти маҳаллий бозорга кенг турдаги дезинфекция воситаларини етказиб бермоқда.

– Компаниямиз таркиби хлорли ва хлорсиз бўлган антисептика воситаларини ишлаб чиқарадиган ягона корхонадир, – дейди ЎзА мухбирига «Agro bio kimyo» масъулияти чекланган жамияти бош директори Н.Эргашев. – Булар – совуқ ва кимёвий стерилизациялаш воситалари, фармацевтика ва ветеринария препаратлари ҳамда бошқалардир. Жами 20 турдаги маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз, яна беш турдаги маҳсулот рўйхатдан ўтказиш жараёнида.

Компания даромади йил сайин ортиб бормоқда. Ўтган йили бир миллиард 812 миллион сўмлик маҳсулот сотилди. Шу йилнинг икки ойида олинган даромад эса 649 миллион сўмдан ошди.

«Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни кўмагида «Agro bio kimyo»да чет элдагига нисбатан нархи 10 баробар арзон сифатли фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Дезинфекцияловчи барча воситалар мамлакатимиз олимларининг кўп йиллик меҳнати ва лабораторияда олиб борган изланишларининг маҳсули бўлиб, янги илмий технологиялар асосида ишлаб чиқилган. Бу борада фақат энг сифатли хом ашёдан фойдаланилаётгани боис маҳсулотлар машҳур ишлаб чиқарувчилар товарлари билан бемалол рақобатлашиши мумкин.

ОП антисепти, яъни тери антисептикининг олиниши ишлаб чиқувчилар қўлга киритган катта ютуқлардан биридир. У нафақат ички, балки ташқи бозорга ҳам етказиб берилмоқда. Хусусан, АҚШга қарийб 178 минг долларлик шундай воситалар етказиб берилди.

Компания маҳсулот ишлаб чиқаришдан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни ҳамда Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази билан ҳамкорликда даволаш муассасалари учун турли тиббиёт асбоб-ускуналарини тозалаш, дезинфекция ва стерилизациялаш бўйича тавсиялар ҳамда услубий қўлланмалар ишлаб чиқмоқда. Қишлоқ аҳолиси, фермер хўжаликлари раҳбарлари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилаётир.

Стериллаш масаласи, айниқса, тиббиёт муассасалари учун ниҳоятда муҳимдир. Шу сабабли компания томонидан стерилизациялаш учун стерилланганлик даражаси кўрсатилган тиббиёт қадоқлаш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Agro bio kimyo» масъулияти чекланган жамиятида таркибида бир қанча фаол моддалар бўлган комплекс антисептикларни ишлаб чиқариш истиқболли йўналишлардан биридир.

Мамлакатимиз фармацевтика саноатининг ривожланиши ва дезинфекция воситаларининг ишлаб чиқарилиши тиббиёт муассасалари ҳамда аҳолини зарур препаратлар билан кафолатли таъминлаш имконини беради.

**Р.БОНДАРЧУК**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Тошкент шаҳридаги ижросини ўрганиш натижаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Парламент қуйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган йиғилишда Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси ва бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари, журналистлар иштирок этди.***

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ОДИЛ СУДЛОВ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси А.Раҳимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳакамлик судлари томонидан хусусий тадбиркорлар ҳуқуқ-манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимининг йўлга қўйилгани хўжалик низоларини келишув йўли билан ҳал этиш, ишни кўриб чиқиш тезлиги ва холислигини, тижорат сирларининг сақланишини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонун мазкур тизим имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Қонунга кўра, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ихтиёрий ижро этилмаган ҳолларда ўрнатилган тартибда мажбурий ижро этилиши белгиланган. Бу ҳакамлик суди тизимини янада мустаҳкамлаш, тадбиркордик субъектларида юзага келадиган низоларни ҳал этадиган органни танлаш имконини бераётир.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан икки юздан зиёд доимий фаолият юритувчи ҳакамлик суди рўйхатга олинган. Шу жумладан Тошкент шаҳрида ҳам бир неча ҳакамлик судлари тизимли фаолият юритмоқда.

Йиғилишда ҳакамлик судьяларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, жойларда доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларини рўйхатдан ўтказиш ва мувaққат ҳакамлик судларини ҳисобга олиш борасидаги ишларнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

***Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини билиши, бурчларига қатъий риоя этиши жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалишида муҳим аҳамиятга эга.***

Пойтахтимизда «Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни ва аҳамияти» мавзуида ташкил этилган илмий-амалий анжуманда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар масъул ходимлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари Қ.Тоғаев, Тошкент Давлат юридик институти ректори О.Муҳаммаджонов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги изчил ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Адлия вазирлиги томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш тузилгани барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ишларини марказлашган ҳолда режалаштириш, ягона тизимга солиш, таҳлилий-умумлаштириш ва тегишли тавсиялар беришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳуқуқий тарғибот ишларида оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Шу билан бирга, интерактив хизматлар, жумладан, ҳуқуқий ахборотларни веб-сайтларга мунтазам жойлаштириб бориш ҳам яхши самара бераётир.

2012 йилда ташкил этилган 267 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирларида етти миллиондан ортиқ фуқаро иштирок этди. Ҳуқуқий мавзудаги кўплаб китоблар нашр этилди.

Анжуманда ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг замонавий шакл ва услублари, фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу борадаги вазифаларига оид бир қатор масалалар атрофлича муҳокама этилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Энг намунали деҳқон бозори» кўрик-танловининг якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳи аъзолари, туман ҳокимлари ўринбосарлари ва хотин-қизлар қўмитаси раислари, «Тошбозорсавдо» уюшмаси тизимидаги бозор раҳбарлари иштирок этишди.***



Танловлар

# ЭНГ НАМУНАЛИ ДЕҲҚОН БОЗОРИ

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова кириш сўзи билан очиб, танловнинг мақсади ва мазмун-моҳиятига қисқача тўхталиб ўтди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида «Тошбозорсавдо» уюшмаси томонидан Тошкент шаҳри бозорларида сотувчи ва харидорларга қулайлик яратиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтиришда жамоатчилик назоратини ташкил қилиш мақсадида илк бор «Энг намунали деҳқон бозори» кўрик-танлови ўтказилиб, ғолиб деб топилган деҳқон бозорлари раҳбарлари эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирлангандилар. Танловдан сўнг аксарият деҳқон бозорларидаги камчиликлар бартараф этилиб, санитария ҳолати талаб даражасига келтирилди.

Наврўз умумхалқ байрами арафасида ҳам ана шу анъана давом эттирилиб, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан тайинланган ишчи гуруҳи «Тошбозорсавдо» уюшмаси тасаррруфидаги 18 та деҳқон бозорларидаги ҳолат, аҳолига хизмат кўрсатилишини низом талаблари асосида ўрганиб чиқди.

Тадбирда ишчи гуруҳи аъзолари сифатида иштирок этган «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология маркази, «Тошбозорсавдо» уюшмаси бошқаруви, Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раҳбарлари ва бошқалар соҳада эришилаётган ютуқ ва камчиликларни таҳлил этган ҳолда баъзи деҳқон бозорларида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳақида ўзаро фикр алмашишди.

Кўрик-танловнинг якуний натижаларига кўра, «Фарҳод» деҳқон бозори 1-ўринга лойиқ топилиб, эсдалик совға ва махсус кубок билан тақдирланди. «Миробод» ҳамда «Юнусобод» деҳқон бозорларига эса 2- ва 3-ўринлар насиб этди.

Танлов сўнгида ташкилотчилар кичик бозор шохобчалари ўртасида ҳам мана шундай танловлар ўтказиш масаласини кўриб чиқишга келишиб олишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**Отабек ОТАЁРОВ**

# «LERNEN MIT ZUKUNFT» ЖУРНАЛИ МИРЗО УЛУҒБЕК МЕРОСИ ҲАҚИДА

***Яқинда Австриянинг ўрта таълим, ёш авлодни тарбиялаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш масалаларига ихтисослаштирилган «Lernen Mit Zukunft» («Келажак учун таълим») журнали дунё илм-фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк олим Мирзо Улуғбек қолдирган бой меросга бағишланган мақолани чоп этди.***

Мақола муаллифи Александр Ристич Мирзо Улуғбекни атоқли фалакиётшунос ва математик, етук давлат арбоби сифатида таърифлар экан, 1428-1429 йилларда аллома ташаббуси билан бунёд этилган Улуғбек расадхонаси ҳар йили Самарқандга ташриф буюрадиган миллион-миллион сайёҳлар диққатини ўзига тортувчи ва хорижий олимлар учун ўзига хос муқаддас маскан эканлигини алоҳида қайд этади.

Мирзо Улуғбекнинг бугунги кунда жаҳон фалакиётшунослигида муҳим манба сифатида эътироф этилган «Зижи Кўрагоний» («Улуғбекнинг юлдузлар жадвали») асарида мингдан ортиқ юлдузнинг самодаги аниқ жойлашувини аниқлай олгани австриялик журналист томонидан юқори баҳоланган.

Шунингдек, муаллиф улуғ олимнинг астрономик йил узунлигини аслидан жуда кичик фарқлар билан ўлчагани ҳақида маълумотларни инсониятга тақдим этгани, Ғарб олимлари эса бир неча юз йиллар ўтгач, бу ўлчамни замонавий технологиялар ёрдамидагина аниқлай олишга муваффақ бўлишганини алоҳида таъкидлайди.

Бундан ташқари, мақолада баландлиги 30 метр, узунлиги 40 метрдан зиёд иншоот, ўз даврининг ноёб ва қадимий чизмаларни мужассамлаштирган илм маскани — Улуғбек расадхонаси ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилади. Айниқса, расадхонанинг марказий қисмидаги ой, қуёш ва бошқа самовий жисмларни кузатишга мўлжалланган асбоб-ускуналар ҳали-ҳамон дунё мутахассислари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилиши журналхонларга маълум қилинган. «Нафақат олимлар, балки ер юзининг турли нуқталаридан келган кўп сонли сайёҳлар ҳам табиатнинг кўплаб сир-синоатларини ўзида жо қилган беқиёс илм ва салоҳият намунаси бўлмиш ушбу расадхонани кўриш имкониятига эгадирлар.

А.Ристич ўз фикрини якунлар экан, бугун Ўзбекистонда етук олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг бебаҳо мероси асраб-авайланаётганини, уни келажак авлодларга етказиш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилаётганини юксак баҳолайди.

**«Жаҳон» АА**
**Вена**

«Келажак овози»

# ЁШЛАР ТАШАББУСИ – ОБОД КЕЛАЖАК ЙЎЛИДА

***Ёшликда олинган пухта билим, ўрганилган касб-ҳунар ҳамиша йўлимизни ёритиб туради, бизни камолот сари етаклайди. Буни кўплаб ёшлар каби қорақалпоғистонлик Асем Ўринбоева ҳам яхши билади. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида таҳсил олаётган бу қиз либослар дизайни йўналишида «Келажак овози – 2012» республика кўрик-танловининг совриндори бўлган.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида кўрсатилаётган доимий эътибор Асем Ўринбоева сингари минглаб ёшларга қанот бағишламоқда.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, истеъдодини юзага чиқариш, илғор ғоя ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишга яқиндан кўмаклашишда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. 2006 йилда ташкил этилган ушбу марказ фаолияти йигит-қизларни ўз қизиқиши бўйича тўғри йўналтириш, иқтидори, ижодий салоҳиятини янада ривожлантириш, маънавиятини юксалтиришда устувор ўрин тутади.

Ушбу жамоат ташкилоти томонидан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда анъанавий тарзда ўтказилаётган «Келажак овози» иқтидорли ёшларнинг мега-танлови, «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали, Иқтидорли талабалар учун стипендиялар, Таълим грантлари дастурлари, «Таълим ва мутахассислик» кўргазмаси ёшларнинг истеъдодини ўз вақтида аниқлаш, уларда Ватан тақдири учун масъулият ва дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Марказ қошида ташкил этилган турли клуб, тузилмалар, маҳорат мактаблари йигит-қизларнинг қизиқиши, орзу-интилишига уйғун тарзда фаолият олиб боради. Жумладан, Бандликка кўмаклашиш маркази жойлардаги бўш иш ўринларига оид маълумотлар базасини яратиш, талаба-ёшлар учун ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётини корхона ва ташкилотларда ўташ, битирувчиларга ишга жойлашишда кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркалари, «Очиқ эшиклар куни» тадбирлари натижасида ўтган вақт мобайнида 4,5 минг нафар йигит-қиз ишга жойлашишга оид маълумотларга эга бўлди, 400 нафардан ортиқ ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу йўналишда муҳим омил бўлмоқда. «Kelajak Lingvo» тил ўрганиш марказида инглиз, немис, испан, француз, араб, хитой, япон, корейс, рус тилларини таржимонлик ва тилшунослик нуқтаи назаридан пухта ўрганиш имконияти яратилган.

– Беш йилдан буён инглиз тилини ўрганяпман, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаси Луиза Зарипова. – Тил ўрганиш жараёни доимий жонли мулоқотни, муттасил ўқиш, изланишни талаб этади. «Kelajak Lingvo»нинг ноанъанавий усулдаги машғулотлари, семинар-тренинглар тил бойлигимизни мунтазам ошириш, хорижий тилларда бемалол сўзлашиш имконини бермоқда.

Илғор технологияларга қизиқувчи ёшлар учун «Ахборот технологиялари бўйича ёш мутахассислар мактаби» – «IT–School» ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ёшлар ахборот технологиялари соҳасидаги энг сўнгги маълумотлардан бохабар бўлиш, дастурлаш, веб-дизайн, веб-дастурлаш, 3D форматдаги графика каби йўналишлар бўйича билимини бойитмоқда. Ўтган вақт мобайнида мактабга аъзо ёш дастурчилар томонидан йигирмадан ортиқ ижтимоий аҳамиятга молик сайтлар, жонажон Ватанимизнинг гўзал табиати, бетакрор меъморий обидалари билан таништирувчи замонавий форматдаги виртуал гидлар, турли илғор ишланмалар яратилди.

– «Биз – бир жамоа, биз – бир оила» ёшлар акцияси давомида «IT–School» машғулотларида қатнашган эдим, – дейди Бухоро шаҳридаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи ўқувчиси Отабек Ғуломов. – Олган билимларим тенгдошларимнинг онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимиз, мафкурамизга зид сайтлардан ҳимоялашга қаратилган интернет фильтр бўйича изланишларимни муваффақиятли амалга оширишда жуда асқотди. Ушбу лойиҳамни «Келажак овози – 2012» республика кўрик-танловининг финал босқичида муваффақиятли тақдим этиб, совриндор бўлдим.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан бирга илм-фаннинг турли йўналишларида изланаётган ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2010 йилда мазкур жамоат ташкилоти қошида Инновацион ғоялар маркази ташкил этилди. Ўтган вақт мобайнида бу ерда ёшлар томонидан олиб борилаётган илмий изланишларнинг маълумотлар базаси яратилиб, вазирлик ва идоралар, илмий муассасаларда фаолият кўрсатаётган ёш мутахассислар ғояларини амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди.

2012 йилда юртимиздаги барча олий таълим масканларида Wi-Fi ҳудудлари ҳамда «Келажак овози» ахборот хоналарининг ташкил этилиши Инновацион ғоялар марказининг йирик лойиҳалари сирасига киради. Ушбу ахборот хоналари кўпчиликни юртимиздаги жамоат ташкилотларининг ёшларга оид лойиҳалари билан батафсил таништиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг лойиҳа ва акциялари, ижодий танлов ва кўргазмалари, маърифий анжуманлари, жонли мулоқот, форумлари йил сайин кенгайиб, ранг-баранглашиб, мазмунан бойиб бормоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳар бир ёшнинг қобилияти ва салоҳияти, мақсад ва интилишларини юзага чиқариш масаласи доимий эътиборда эканининг амалдаги яна бир ифодасидир.

**Назокат УСМОНОВА**



***Бир неча асрлардан бери буюк давлат арбоби ва беназир саркарда сифатида жаҳон аҳлини лол қолдириб келаётган Амир Темур таваллудининг 677 йиллиги Республикамиз жамоатчилиги томонидан кенг нишонланмоқда.***

## 9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун

# ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Амир Темур фаолияти ва тарихда тутган ўрни жиҳатдан ўзидан аввалги ва кейинги ўтган саркардалар орасида алоҳида ўрин тутади.

Аждодлари Кеш вилоятининг ҳокимларидан бўлиб келган Амир Темур мураккаб сиёсий жараёнлар, яъни улуслар ўртасидаги зиддиятлар кучайган бир даврда 1336 йили таваллуд топди. Тарихга назар ташласак, аслида Темурнинг отаси Амир Тарағайнинг ҳам, бобоси Амир Баргулнинг ҳам ҳарбий ишларга майли бўлмаган. Лекин давр талаби ва сиёсий муҳит ҳарбий санъатни мукаммал ўрганишликни тақозо этарди. Шунга кўра Амир Тарағайбек ўғли Темурбекни ёшлигидан махсус мураббийлар назоратида чавандозлик, овчилик, камондан ўқ отиш, қиличбозлик каби ҳарбий таълим билан боғлиқ бўлган машғулотлар билан шуғулланишига алоҳида эътибор берган.

Тарихий маълумотларга қараганда, у туғилган жой — Шаҳрисабздан узоқ бўлмаган Хўжа Илғор қишлоғидаги Хўжа Илғор ота қабристонида бир супа устида ҳозирда ҳам (шу ерлик аҳолининг таъкидлашича) илоҳий қудратга эга бўлган ва полвонтош номи билан аталувчи бир тош сақланаётган бўлиб, бироз чўзиқроқ тўртбурчак шаклида экан. Унинг оғирлиги 6 пуд (96 кг) бўлиб, Амир Темур ёшлигида шу тошни кўтариб машқ қилар экан. Амир Темурнинг замондоши тарихчи Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарида Темурда ёшлигидан салтанат ва жаҳондорликка мойиллик сезилганлигини ёзади.

Амир Темур билан учрашиш насиб этган тарихчи Ибн Арабшоҳ ўз асарида «Темур ақлли, очиқ кўнгил, журъатли, кучли, қобилиятли бўлиб ўсган» – деб ёзган. Амир Темурдаги ана шу хислатлар борлиги учун ҳам Мовароуннаҳрнинг бош Амири Қозоғон ўз набирасини унга никоҳлаб берган. Унинг ўлимидан кейин Мовароуннаҳрда амирлар ўртасидаги курашлар кучайиб кетишидан фойдаланган Мўғулистон хони Туғлуқ Темур 1360 йили Мовароуннаҳрга бостириб киради. Вазият тақозоси билан Амир Темур унга хизмат этажагини билдиради. Хоннинг ишончига эриша олган Амир Темур Туғлуқ Темур ёрлиғи билан 24 ёшида Кеш вилоятининг доруғаси (ҳокими) этиб тайинланади. У ўзининг бундай дипломатик ҳаракатлари билан узоқ келажакни англай билди, тинчлик йўли билан беҳуда вайронагарчиликларни, қон тўкилишининг олдини олди.

Агар биз Амир Темур тузукларидаги сатрларга назар ташлайдиган бўлсак, унинг умри давомидаги ҳаётида юритган сиёсатидан ва тадбирларидан ниҳоятда қимматли хулосалар чиқарганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, «Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир», ёки «Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин» каби доно ўгитлари фақат бошидан оғир кунларни кечирган инсонга тегишлидир. Унинг бу каби юзлаб ибратли ва кенг маъноли ўгитлари фақат ҳаётдан олган сабоқларининг мевасидир.

Қуйида Амир Темурнинг ёшлик чоғларида йўл қўйган хатолари ва ундан келгуси фаолиятида олган сабоқларидан намуналар келтирамиз.

Амир Темур Қарши қалъасини ололмай қайтаётганда бир қишлоқдаги кулбага киради. Унда бир кампирни учратиб, бирор егулик сўрайди. Кампир унга товоқда атала беради. Амир Темур аталани иссиқлигида ичиб, оғзи куяди. Шунда момо: «Сен ҳам Темурга ўхшаш шошқалоқлардан экансан. Чунки Темур Қарши қалъасига ҳужум қилиб уни ололмабди. Агар у аввал қалъа атрофидаги қишлоқларни олиб, кейин куч тўплаб қалъага ҳужум қилганида бемалол олар эди. Шунга ўхшаш, сен ҳам шошиб оғзингни куйдирдинг. Аталани аввал товоқнинг атрофидан бошлаб еб, совуганини билгач, кейин қошиқни тўлдириб ейишинг керак эди», деб берган танбеҳидан Амир Темур ёшликда йўл қўйган хатоларидан бирини англаган экан.

Ривоятлардан бирида айтилишича, бир куни бута соясида дам олиб ўтирган Амир Темур бир қумурсқанинг бир бута шохининг учига чиқишга уринаётгани, лекин шамол таъсирида тебранаётган шохдан пастга тушиб кетаётганига ва бу ҳолни бир неча бор такрорлагандан сўнг шохга чиқиб ўзига овқат топганига кўзи тушади. Буни кўрган Амир Темур шу қумурсқанинг тиришқоқлиги, чидамлилиги, умидсизликка тушмаганлигидан яна бир сабоқни олган экан.

Амир Темурнинг ҳаёт сабоқларидан яна бири тарихда «лой жанги» номи билан бизга етиб келган. Бу жангнинг тафсилотлари ва ундан олган сабоқлари ҳақида тарихчи Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарида батафсил маълумотлар қолдирган. Бу жанг жата (мўғуллар) қўшини билан Амир Темур ва Амир Ҳусайиннинг бирлашган қўшини ўртасида 1365 йил май ойининг охирларида бўлиб ўтиб, шу кунлари қаттиқ сел қуйганлиги сабабли қўшинларни қийин аҳволга солиб қўяди. Шунга қарамай жангда Амир Темурнинг ғалабаси яқинлашиб турган бир вақтда Амир Ҳусайиннинг лоқайдлиги ва ичи қоралиги, ёрдамга бормаганлиги сабабли ғалаба якунига етмайди. Бу жангдан катта сабоқ олган Амир Темур, яъни «аҳволдан огоҳ бўлганидан сўнг, давлат ишида ҳали бироз кутмоқлик азияти борлиги ва жон куйдирмоқлик фойда бермаслигини англаб етди», — деб ёзади Шарафуддин Али Яздий. Бу ўринда Амир Темурнинг кўплаб ўгитлари каторидан жой олган «Бир қинга икки қилич сиғмас» деган иборасининг мазмунини англаб етиш мумкин.

Амир Темур кейинги фаолиятида кўплаб қийинчиликларни бошидан кечирди. Бирин-кетин рақибларига зарба берган ҳолда 1370 йили Мовароуннаҳр ҳокими этиб тайинлангач, мамлакатда тинчлик ўрнатиш ва вайроналарни тиклаш йўлида бир дақиқа ҳам вақтини зое кеткизмай Ватанининг равнақини юксалтириш йўлида меҳнат қилди.

У тарихда моҳир ҳарбий ташкилотчи ва атоқли саркарда тарзида намоён бўлди. Умри давомида ўзидан аввалги саркардаларнинг жанг усулларини ўрганди, уларни таҳлил қилиб керакли ўзгартиришлар киритди. Бирин-кетин олиб борган жангларини ҳам жангдан кейин муҳокама этди, йўл қўйган хатоларини қайта такрорламасликка ҳаракат қилди. Интизомли қўшин яратди. Ҳар қандай шароитларда ҳам тадбиркорлик билан жанг олиб борди. Қўшин асосини отлиқлар ташкил этгани ҳолда тоғлик ерларда жанг олиб борувчи пиёда қўшинларга ҳам эга бўлган. Амир Темур биринчилардан бўлиб Шаркда ўт сочар куролларни (раъд) ишлатди, қўшинини жанг майдонида етти қўлга бўлиб жойлаштиришни жорий этди. Қўшин қанотларини душман қўшинидан ҳимоялаш, душман қўшинларини ён томонидан айланиб ўтиб орқадан зарба берувчи отлиқ қисмни (кунбул) яратди.

Амир Темур томонидан ишлаб чиқилган ҳарбий санъатга доир амалий ишлар келгуси авлодлар учун намунали қўлланма бўлиб қолди.

**Ўткир АЛИМОВ,**
**ЎзР ФА Темурийлар тарихи Давлат музейи етакчи илмий ходими**

## Анжуманлар

# ДАРСЛИКЛАР ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

***Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида «Чет тиллари бўйича ёзиладиган дарслик ва ўқув-услубий комплексларга қўйиладиган замонавий талаблар» мавзуида конференция бўлиб ўтди.***

Унда университетнинг профессор-ўқитувчилари, талабалар, хорижий мутахассислар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. ЎзДЖТУ ректори Абдулла Исмаилов тадбирни кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда таълим берилаётган инглиз тили дарсликлари ва уларни ўқитишдаги янгиликлар, ўзгаришлар ҳақида алоҳида тўхталди.

Шунингдек, тадбир давомида хорижий тиллар бўйича узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, хусусан, инглиз тили бўйича 1-, 2-синф ўқувчилари учун яратилаётган дарслик материаллари, турли тарқатма ўқув қўлланмаларини таҳлил қилиш, уларни ўқитиш методологияси, ўқув режа ва дарсликлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш масалалари иштирокчилар муҳокамасининг марказида бўлди.

Конференцияга ташриф буюрган британиялик ва юртимиз мутахассислари Род Болайто, Светлана Хан, Розалия Зирянова, Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Стив Мак Налти хорижий тилларда чиқарилаётган дарсликлар, инглиз тилида ишлаб чиқилаётган китобларнинг афзаллик томонлари ҳамда камчиликлари ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, конференцияда сўзга чиққанлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида маъруза қилишди. Тадбир қизиқарли савол-жавобларга бой бўлди ва йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

## Тиббиёт

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

***Асаб ва юрак қон-томир хасталикларини даволашнинг самарали усулларига бағишлаб Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида илмий-амалий анжуман уюштирилди.***

Унда иштирок этган кардиологлар, невропатолог, терапевт ва жарроҳлар ушбу хасталикларни даволашда тиббиётнинг замонавий усулларидан самарали фойдаланиш, илғор технологияларни тиббиётга кенгроқ жалб этиш, инсонларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилишларига эришиш лозимлигига яна бир карра эътибор қаратишди. Тадбир қатнашчилари келгусида бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар режаларини ҳам белгилаб олишди.

***Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий марказида туғма юрак пороги хасталиги бўйича жарроҳлик амалиёти амалга оширилди.***

# ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ САМАРАЛИ ЎТДИ

Унда маҳаллий шифокорлар билан бирга, Италия ҳамда Испаниядан келган малакали мутахассислар ҳам иштирок этишди. Шуниси эътиборлики, ўн бир ойлик чақалоқ беморда амалга оширилган жарроҳлик амалиёти самарали якунланди. Чунки жараёнда тиббиётнинг энг замонавий усуллари қўлланилди, илғор тиббиёт технологияларидан фойдаланилди. Айни пайтда беморнинг ҳолати яхши.

Албатта бу каби жарроҳлик амалиётларини амалга оширишда хорижлик мутахассислар билан ўрнатилаётган ҳамкорликнинг ҳиссаси катта.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» очиқ акциядорлик жамияти жамият ҳудудида жойлашган биноларадаги бўш бўлган майдонларни ижарага олишни таклиф қилади.

| | Фаолият тури | Сони | Майдони (кв.м) |
|---|---|---|---|
| 1 | Умумий овқатланиш | 1 | 218,5 |
| 2 | Умумий овқатланиш | 1 | 147,5 |
| 3 | Умумий овқатланиш | 1 | 153,4 |
| 4 | Умумий овқатланиш | 1 | 152,1 |
| 5 | Умумий овқатланиш | 1 | 57 |
| 6 | Умумий овқатланиш | 1 | 152 |
| 7 | Савдо дўконлари (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари) | 3 | 36 |
| 8 | Бошқа турдаги | 1 | 216 |
| 9 | Бошқа турдаги | 1 | 48 |
| 10 | Бошқа турдаги | 1 | 72 |
| 11 | Бошқа турдаги | 1 | 9 |
| 12 | Бошқа турдаги | 1 | 37,3 |
| 13 | Бошқа турдаги | 1 | 16,2 |
| 14 | Бошқа турдаги | 1 | 17,5 |
| 15 | Бошқа турдаги | 1 | 13,1 |
| 16 | Бошқа турдаги | 7 | 18 |
| 17 | Бошқа турдаги | 1 | 12 |

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли, «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ. Маълумот учун телефон: 295-96-52

**«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилган:

Аукцион савдосига Юнусобод туман СИБ томонидан 2013 йил 14 мартдаги 5963-94/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган: 1. Себзор жарима майдончасида сақланаётган, 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 594 ТБА бўлган «ГБАСПГ ГАЗ-322132-220» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 36 500 000 сўм. 2. «Ипотека банк» Ҳамза филиали ҳовлисида сақланаётган, 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 592 ТБА бўлган «ГБАСПГ ГАЗ-322132-220» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 36 750 000 сўм. 3. «Ипотека банк» Ҳамза филиали ҳовлисида сақланаётган 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 593 ТБА бўлган «ГБАСПГ ГАЗ-322132-220» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 33 000 000 сўм. 4. «Ипотека банк» Ҳамза филиали ҳовлисида сақланаётган 1997 йилда и/ч дав. бел. 01 К 437 НА бўлган «ГБАСПГ ГАЗ-2705» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 877 000 сўм. 5. 2013 йил 22 январдаги 648/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «8-сонли Автосарой» ОАЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 С 040 СА бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситалари савдога қўйилган. Бошланғич нархи 41 901 200 сўм. 6. Чилонзор туман СИБ томонидан, 2011 йил 27 октябрдаги 1-1346/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор 19-4-6-1-уйда сақланаётган, 1996 йилда и/ч дав. бел. 01 О 274 GA бўлган «Ваз-21074» русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилган. Бошланғич нархи 11 150 718 сўм. 7. Чиноз туман СИБ томонидан, 2013 йил 27 февралдаги 1-1204-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чиноз тумани ИИБ ЙХХБ да сақланаётган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 10 О 780 DA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилган. Бошланғич нархи 13 386 000 сўм.

Аукцион савдолари 2013 йил 7 май куни соат 11:00да, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда ўтказилади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспортлар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2013 йил 22 май куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**2013 йил 23 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар такроран қўйилган:**

1. Республика Департаменти томонидан 2012 йил 23 июлдаги 1-185д/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Шаркли Мелиса» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 707 ААА бўлган «Тайота Прадо» русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилган. Бошланғич нархи 128 746 000 сўм. Зангиота туман СИБ томонидан, 2012 йил 3 августдаги 2-79/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Кўк терак Матлубот Инвест» МЧЖ омборхонасида сақланаётган, 1. 2009 йилда и/ч дав .бел. 10 757 КАА бўлган «Эпика» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 55 991 749 сўм. 2. 2010 йилда и/ч дав. бел. 10 098 ОАА бўлган «Эпика» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 54 947 112 сўм. 3. 2010 йилда и/ч дав. бел. 10 095 ОАА бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситалари савдога қўйилган. Бошланғич нархи 42 162 181 сўм.

Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29. *Гувоҳнома: 006388.*

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 7 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Юнусобод туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2012 йил 13 июлдаги 10-1114/13109-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Темур-Эргашева кўчалари кесишмаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 311 м.кв., фойдаланиш майдони 273,4 м.кв. бўлган кўчмас мулк савдога қўйилган. Бошланғич нархи – 30 281 440 сўм.

2. Юнусобод туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани судининг 2012 йил 1 декабрдаги 1-550/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 6-мавзе, Лойиҳалаш Г-36 кўчасида жойлашган ер участкаси савдога қўйилган. Бошланғич нархи – 553 609 296 сўм.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулклар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2013 йил 22 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

2013 йил 23 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,2 м.кв. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 355 817 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий майдони 517,0 м.кв. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 156 925 000 сўм.

3. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 501,0 м.кв. бўлган, 5 та хонадан иборат, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 362 031 000 сўм.

4. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Подшобоғ кўчаси, 61-63-уйларда жойлашган, умумий майдони 1090,0 м.кв. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган 2 қаватли уй-жой. Бошланғич нархи – 1 900 129 000 сўм.

5. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий майдони 794,0 м.кв. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 280 707 000 сўм.

6. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 382-уйда жойлашган, умумий майдони 817,0 м.кв. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 348 190 000 сўм.

7. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, 1-тор Қибрай кўчаси, 4-уйда жойлашган, умумий майдони 351,0 м.кв. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 322 729 000 сўм.

8. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 12-уйда жойлашган, умумий майдони 329,0 м.кв. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 185 948 000 сўм.

9. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, 1-тор Мирҳосилбой кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий майдони 336,0 м.кв. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 315 873 000 сўм.

10. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Мирҳосилбой кўчаси, 20-уйда жойлашган, умумий майдони 341,1 м.кв. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 353 568 000 сўм.

11. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Шалола кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий майдони 454,0 м.кв. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 202 844 000 сўм.

II. Ҳамза туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2010 йил 30 майдаги 10-1019/5611-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Қорасув кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий майдони 215 м.кв. бўлган 5 қаватли бинонинг қисми (амбулатория поликлиникаси ва омборхона) бўлган нотурар жой биноси савдога қўйилган. Бошланғич нархи – 151 980 089 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир кун қолганда соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

## Спорт янгиликлари

### ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

***Тошкент денгизида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича уюштирилган Ўзбекистон очиқ чемпионати якунига етди.***

Унда мамлакатимизнинг энг иқтидорли байдарка ва каноэчиларидан ташқари Россия ҳамда қозоғистонлик спортчилар ҳам ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Каноэда 200 метрга эшкак эшишда эркаклар орасида шоҳсупанинг энг юқори поғонаси Элёр Мамадалиевга насиб этган бўлса, қизлар баҳсида Дилноза Раҳматовага тенг келадиган рақиб топилмади.

Байдаркада 200 метрга эшкак эшишда ҳам омад ҳамюртимизга кулиб боқди. Сергей Бухальцев маррага барча рақибларидан аввал етиб келди ва Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Муросасиз ва шиддатли курашларга бой кечган чемпионат якунида ғолиблар ҳамда совриндорларга совринлар топширилди.

***Кейинги йилларда «ақл гимнастикаси» ҳисобланмиш шахматга ёшлар орасида қизиқиш тобора кучайиб бормоқда.***

### КИМ ҒОЛИБ БЎЛАДИ?

Буни шахмат бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида тез-тез ўтказиб келинаётган турнирлар ҳам яққол исботлаб турибди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон шахмат федерацияси ташаббуси билан 20 ёшгача бўлган «ақл гимнастикаси» усталари ўртасида мамлакат Кубоги мусобақаси старт олди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ташриф буюрган ёш шахматчилар швейцарча усулда дона суришмоқда. Ўзбекистон Кубоги ғолиби ва совриндорлари номи 12 апрель куни маълум бўлади.

### ЭРМАТОВ БРАЗИЛИЯГА БОРАДИ

***Бразилияда 26 май куни жаҳоннинг энг иқтидорли ФИФА реферилари иштирокида халқаро семинар бўлиб ўтади.***

Курраи заминнинг 52 нафар энг кучли ФИФА реферилари иштирокида уюштирилаётган ушбу анжуманда Бразилияда 2014 йилда ташкиллаштириладиган футбол бўйича жаҳон чемпионати учрашувларини бошқариши мумкин бўлган ФИФА реферилари учун навбатдаги машғулот йиғинлари ҳам ўтказилади.

Қувонарли жиҳати, ушбу анжуманда ФИФА рефериси, Осиёнинг тўрт карра энг яхши бош ҳаками Равшан Эрматов ҳам иштирок этади.

***Пойтахтимиздаги 1-Республика тиббиёт коллежида волейбол бўйича қизлар ўртасида Тошкент шаҳар биринчилиги уюштирилди.***

### ШАҲАР БИРИНЧИЛИГИ ЯКУНЛАНДИ

Унда шаҳримизда жойлашган ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари жамоалари иштирок этишди. Шаҳримиз туманларида ғолибликни қўлга киритган 10 та жамоа иштирокида уюштирилган беллашувлар муросасиз курашларга бой кечди.

Қизиқарли кечган баҳслар якунида ушбу турнирга бошқа жамоалардан кўра пухта тайёргарлик кўрган 1-Республика тиббиёт коллежи жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

### ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИ

***Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида биология, география, математика, информатика, инглиз тили ва бошқа фанлардан 3-босқич шаҳар олимпиадаси бўлиб ўтди.***

Унда Тошкент шаҳридаги барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг олимпиаданинг 2-босқичида ғолиб чиққан 2- ва 3-курс ўқувчилари қатнашди.

Тўрт кун давом этган шаҳар олимпиадасида ғолиб чиққан ўқувчилар навбатдаги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**Гулноз АМИНОВА,**
**Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси**

***«ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда «XXI асрда экология ва саломатлик ҳамда экологик тарбия» мавзуида давра суҳбатини ўтказди.***



### ЭКОЛОГИК ТАРБИЯГА ЭЪТИБОР — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Тадбир иштирокчилари Фонднинг экологияга оид нашр эттирган адабиётлари ва плакатлари ҳамда Тошкент иқтисодиёт коллежи ўқувчиларининг табиатни асрашга бағишланган бадиий чиқишлари, рефератлари, деворий газеталари кўргазмаси, эколог-журналист Наталья Шулепинанинг «Орол денгизи ўрнида пайдо бўлган Оролқум саҳросига назар» ҳужжатли фильми тақдимотидан сўнг, тиббиёт фанлари доктори Шариф Отабоев ва биология фанлари доктори Эркин Турсуновнинг тадбир мавзуси доирасидаги маърузаларини қизиқиш билан тингладилар.

Ушбу нотиқлар ҳамда музокараларда иштирок этган Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти услубиётчи шифокори Азиза Ширинова, «ЭКОСАН» фонди бўлим бошлиғи Собиржон Абдуллаев, «Чоштепа» маҳалласи фахрийлари, 19-сонли оилавий поликлиника ҳамда Юнусобод туман ИИБ вакилларининг таъкидлашларича, табиатни муҳофаза қилиш — энг муҳим ва ҳаётий зарур бўлган иш. Шундай экан, ҳар қандай маданиятли киши, айниқса, иқтисодиётни ўзига касб сифатида танлаётган ўқувчи буни тўла англаб етиши, чуқур ҳис қилиши ва табиат бойлигига бойлик қўшмоқни орзу-ният қилиб яшаши даркор. Зеро, табиат — ҳаётимиз манбаи бўлган тоза сув, соф ҳаво, қуёш нури, озиқ-овқат, кийим-кечак ҳисобланади. Ана шундай саховаткор курраи заминнинг озор топиши у билан бевосита боғлиқ одамзод ва жониворларни таҳликага солиб қўйиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришганидан сўнг, экологик тарбияни йўлга қўйиш учун шахсда экологик маданиятни шакллантиришга эътибор айниқса кучайди. Президентимиз раҳнамолигида диёримизда экология, атроф-муҳит ва атмосфера мусаффолигини сақлашга давлат сиёсати даражасида қаралиб, ушбу масалаларга жиддий эътибор бериляпти.

Экологик таълим-тарбия халқ ижодининг барча — моддий, маданий, ижтимоий жиҳатларини қамраб олиб, шахсни баркамол ўстириш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, уни ахлоқан, руҳан ва жисмонан чиниқтиришга ҳам йўналтиришга даъват этади. Экологик тарбия умумтаълимнинг таркибий қисми, мақсади эса, мактабгача ёшдаги болаларнинг табиатга, ўз ўлкасига муҳаббатини тарбиялаш бўлса, таълим муассасалари ўқувчисида мулкка оқилона муносабатда бўлиш, олийгоҳлар талабаларида эса табиий бойликларни асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш ҳиссини уйғотишдан иборат. Бунинг учун инсонда экологик ноқулайликлар оқибатида пайдо бўлаётган нохушликлар тўғрисида фикр юритиш қобилиятини, тафаккурини таълим-тарбия ёрдамида ўзгартириш, ватанпарварлик даражасини кўтариш зарур бўлади.

Анжуманда экологик билим ва маданият инсоннинг маънавий ва руҳий дунёсини бойитишга ва шакллантиришга имкон берадиган муҳим йўналишлардан эканлиги алоҳида таъкидланиб, асосий мақсад — XXI аср цивилизацияси даражасига ва табиатга хавф туғдирувчи кучли антропоген таъсирларга мос келадиган янгича одоб ва ахлоққа асосланган экологик дунёқарашни, мавжуд қонунлар асосида масъуллик ҳиссини тарбиялашга ҳисса қўшишдан иборатлигига эътибор қаратилди.

Тадбирни олиб борган Тошкент иқтисодиёт коллежи директори Очил Ярашев «ЭКОСАН» фонди томонидан тайёрланиб, нашр эттирилган ва хайрия йўлида мамлакатимиз ўқув масканларига, жумладан, коллежга ҳам тарқатилган «Экология» ўқув қўлланмаси қимматли дастуруламал эканлигини таъкидлаб, коллежнинг «Экология бурчаги» учун ажратилган адабиётлар, плакатлар, «Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳит муҳофазаси картаси» учун миннатдорчилик билдирди.

Шоҳсанам Абдуғаппорова, Муяссар Аҳмаджонова, Шоҳаббос Ҳамиджонов, Муҳайё Одилова ва Мадина Валитова каби ўқувчилар экология мавзусидаги ўтказилган танловда ғолиб чиқдилар ва «ЭКОСАН» совғалари билан тақдирландилар.

Тадбирда 1-босқич ўқувчиси Муяссар Аҳмаджонова «Обод турмуш йили» Давлат дастурига жавобан, коллеж жамоасининг мамлакатимиз ёшларига мурожаатномасини ўқиб эшиттириб, иштирокчиларни «ЭКОСАН» фондининг «Анъаналарни тикла — дарахт эк!» ташаббуси асосида коллеж боғини кенгайтириш мақсадида дарахт экишга чорлади. Эндиликда «Ёш экологлар боғи» номини олган ушбу боғни шу куни мамлакатимизнинг илм-фан, маҳалла ва коллеж фахрийлари, ўқувчилари — анжуман иштирокчилари 150 туп дарахт кўчатлари экиб, янада обод қилдилар.

**Миркарим МИРСОВУРОВ,**
**«ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

### МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Меҳр кўрмаган меҳр беролмайди.**

* * *

**Осон топган осон йўқотади.**

* * *

**Эҳтиёткорлик ҳеч қачон зиён қилмайди.**

* * *

**Бировга ишонган қуруқ қолади.**

* * *

**Бир хато иккинчисини бошлаб келади.**

* * *

**Ҳаётнинг имтиҳонлари тугамайди.**

* * *

**Яхшилик умрга умр қўшади, Ёмонлик умрни қисқартиради.**

* * *

**Ким ҳусн шайдоси, ким хулқ.**

* * *

**Болани ҳаётга тайёрлаш керак.**

* * *

**Ўзига ишонмаган ортиқча ташвиш қилади.**

* * *

**Баъзилар зимдан қилинган иш яширин қолади деб ўйлашади. Ҳолбуки, бу дунёда бир куни келиб фош бўлмайдиган сирнинг ўзи йўқ.**

* * *

**Инсон астойдил ўйлаб қараса, шикоят қиладиганидан шукр этадиган нарсалари кўп бўлиб чиқади.**

* * *

**Нафснинг ортидан қувган тузоққа тушади.**

* * *

**Бошқанинг юки ҳамиша енгил туюлади.**

* * *

**Ўзинг эришган нарсанинг завқи бўлакча.**

* * *

**Хаёлни ҳақиқатга айлантириш осон эмас.**

(Давоми бор)

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

## Шифобахш ўсимликлар

### ДИЛНИ ХУШНУД ЭТАДИ

***Ўлкамизнинг ҳусн безаги бўлган гулу чечакларнинг хилма-хил турлари мавжуд. Булар ичида баъзилари ўзининг жилоли ранги билан, бошқаси мушки анбар бўйи билан ва яна бири жозибали кўриниши, шифобахшлиги билан ажралиб туради.***

Ёронгул ана шу гуллар ичида хушбўй ҳиди, чиройли кўриниши билан киши дилини хушнуд этади, зийнати билан ором бағишлайди.

Ёронгул қимматбаҳо эфир мойи учун Ўрта Осиёда, Кавказ ортида, Ўрта ер денгизи атрофларида ўстирилади. Ёронгул пояси сертук, гўштдор, шохланган, замин қисмига қараб ёғочланган бўлади. Барги навбатли жойлашган бўлиб, буйраксимон кўринишга эга. Асос барглари узун бандли, қўшимча барглари эса бандсиз, уч қиррали, учи нишдор бўлади. Гуллар чиройли соябонга тўпланган. Гулбарги жозибали ҳар хил кўринишда: оқ, нуқранг, қирмизи, оловранг бўлиши мумкин.

Ёронгулнинг Ўрта Осиёга мансуб турларида кўп эфир ва ошловчи моддалар мавжуд. Ўсимликнинг хушбўй эфиридан пардоз маҳсулотлари бўлмиш атир ва одеколон тайёрланиб, фармацевтика саноатида турли дори-дармонларга ёқимли таъм бериб, ҳидини яхшилаш учун ишлатилади. Бу ажойиб гулни уйимизда осонлик билан ўстира олишимиз мумкин. Ёронгул қаламча қилиб кўпайтирилади. Қаламчани айни баҳорда тувак ёки иссиқхоналарга ўтқазишимиз мумкин. Бунинг учун қирқиб олинган шохчани (ўткир қаламтарош билан қирқиб олиб) кекса баргларидан холи этилиб, бир-икки вояга етмаган барглари қолдирилади. Тўрт энлик, тахминан 8-12 сантиметр келадиган қаламчани 4-5 сантиметрча тайёрланган тупроққа (3 қисм чимзор тупроққа 1 қисм қум аралаштирилган бўлиши керак) қадалади. Орадан уч ҳафта ўтгач қаламчани олиб чириндили тупроққа олиб ўтқазилади.

Ёронгул ўзига нозиклик билан ёндошишни талаб қилади. У кузда, совуқ тушишидан олдин ҳарорати 6-8 даража бўлган салқин ва қуруқ хоналарга киритиб қўйилади. Қишда ўсимлик жуда кам суғорилади. Шу билан бирга, ёронгул ҳаво эркинлиги бўлган ва қуёш нури тушиб турадиган жойларни афзал кўради.

Ёронгул ихлосманди унинг кўркам фазилатларидан баҳраманд бўлади. Мабодо хонада бемор ётган бўлса, ёронгулнинг бир неча баргларини қайноқ сувга ботириб қўйсангиз, унинг муаттар ҳиди бемор кайфиятини яхшилайди, фикрларини теранлаштиради, уйқунинг сокин бўлишини таъминлайди.

**Доно ХЎЖАЕВА,**
**олий тоифадаги доришунос**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **9 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 10-12 даража илиқ, кундузи — 24-26 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра **9 апрелда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 441
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12046 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 15.10
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 5